

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглار ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожини ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

мустақиллиги, алоҳида ЛСҚ эканлиги ёки бир лингвистик тасниф муаммолари билан қолипнинг нутқий кўриниши эканлигини боғлиқдир. Уларга тўғри жавоблар топиш аниқлаш ҳам, бир ЛСҚнинг вариантларими ёки тилшунослигимиз олдида турган долзарб ЛСҚлар синонимиясими сингари саволлар ҳам масалалардан саналади.

Адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993.
2. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.
3. Салоев Р. Ўзбек тилида исми-фоиллар: Филол.фанл.номз. ...дисс. – Самарқанд, 1994.
4. Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва сатҳлараро муносабатлар: Филол.фанл.докт. ...дисс.–Т., 2002.
5. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Т.: Фан, 2010.
6. Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984. № 5.
7. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан., 1975.
8. Неъматова Г. Ҳ. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланиши: Филол.фанл.номз. ...дисс. –Т., 1998.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари, профессор).

УДК:41+413+413.161

СЛЕНГ ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР

SLANG AND ITS ADJACENT PHENOMENA

СЛЕНГ И СМЕЖНЫЕ ЯВЛЕНИЯ

Д.Мадазизова¹¹Д. Мадазизова

- ФарДУ, гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Маъмур мақолада жаҳон тилшунослигидаги долзарб муаммолардан бири сифатида семасиология ва лексикология бўлимлари предмети доирасидаги чалкашликлар, дисфемизм ва кокофемизм, дисфемизм ва вульгар сўзлар, дисфемизм ва сленглар, сленг ва неологизмлар, сленг ва жаргон, арго муносабатлари қисқача тавсифланади. Сленг тушунчаси таърифланади, бошқа бирликлардан фарқланади. Бу борада жаҳон тилшунослигидаги қарашлар қиёсланади, уларга муносабатлар билдирилади.

Annotation

This article briefly describes the confusion within the subject of semantics and lexicology, dysphemism and cocophemism, dysphemism and vulgar words, dysphemism and slang, slang and neologisms, slang and jargons, argo relations as one of the current problems in world linguistics. The concept of slang is defined, different from other units. In this regard, the views of world linguistics are compared, and attitudes to them are expressed.

Аннотация

В статье в качестве одной из актуальных проблем мирового языкознания кратко описываются сложности в рамках предмета семасиологии и лексикологии, отношения между дисфемизмом и кокофемизмом, дисфемизмом и вульгарными словами, дисфемизмом и сленгами, сленгом и неологизмами, сленгом и жаргоном, арго как одни из актуальных проблем мирового языкознания. Дается определение сленгу, его отличие от других единиц. Сравниваются взгляды в мировой лингвистике на данную проблему, выражается отношение к ним.

Таянч сўз ва иборалар: семасиология, лексикология, троп, дисфемизм, кокофемизм, вульгаризм, неологизм, сленг, арго, кант, расмий статус, стандарт ва ностандарт сўзлар.

Ключевые слова и выражения: семасиология, лексикология, троп, дисфемизм, кокофемизм, вульгаризм, неологизм, сленг, арго, кант, официальный статус, стандартные и нестандартные слова.

Keywords and expressions: semasiology, lexicology, trop, dysphemism, cocofemism, vulgarism, neologism, slang, argo, cant, official status, standard and nonstandard words.

Семасиологиянинг ўрганиш предмети сифатида дисфемизм тропнинг бир кўриниши бўлиб, троп бирор тушунча, муайян сўзнинг ҳосила маъноси сифатида ифода топишидир. О.С.Ахманова дисфемизм ва кокофемизмни ўзаро лексик дублет сифатида баҳолайди. Айтиш жоизки, дисфемизмлар, энг аввало, сўзнинг ҳосила маъноси асосидаги ифодага, қолаверса, дағал, бетакаллуф, кўпол маъно оттенкасига ҳам эга бўлади.

М.Н.Кожинанинг рус тили стилистикасига доир китобининг “Китобий ва сўзлашув лексикаси” деб номланган қисмида “кўпол сўзлашув лексикаси (варваризм) ҳақида тўхталиб, унга “ёқимсиз бўлса ҳам, ёзма - китобий мулоқот доирасида қўлланадиган сўзлашув лексикаси” тарзидаги изоҳни беради[1,117]. Бу изоҳ О.С.Ахманованинг “Лингвистик терминлар луғати”да вульгаризмлар учун келтирилган изоҳга ҳам мос келади[2,92]. Шундай бўлгач,

варваризмнинг семасиология, айниқса, дисфемизм алоқаси йўқ ва у лексиканинг объекти ҳисобланади. О.С.Ахманова пузо/`қорин`, рыло/чўчка тумшук`, гиваль/`увада`, харя/`башара`, стерва/`кузгун` ва ҳ. одамга нисбатан айтилган варваризмларни келтиради ҳамда улар фақат ҳосила маъноси билан дағал, илтифотсиз, кўпол ифода беришини таъкидлайди[1,117]. Профессор М.Миртожиев О.С.Ахманованинг бу фикрига қўшилмайди, ушбу сўзларни варваризмга эмас, балки тропга, яъни дисфемизмга оидлигини тўғри деб ҳисоблайди[3,129].

Инглиз тилшунослигида дисфемизм тўғрисида деярли ҳеч қандай маълумот учрамайди. Унинг ўрнида сленг тушунчаси кенг таҳлил этилган. Бу сленг билан дисфемизм терминлари узаро дублет, тилнинг айтиш бир тушунчасини берар экан деган хулосага олиб келмаслиги керак. Сленг тушунчаси дисфемизм тушунчасига нисбатан анч кенг.

И.В.Арнольднинг таъбирича, сленгизмларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг кўпол ва ҳаёсиз, дағал ва ҳиссиётли, илтифотсиз ва жонли ҳазиломузлиги ҳисобланади. Сленгизмларга келтирилган бу белгилар дисфемизмлар белгисига деярли мос келади. Фақат жонли ҳазиломузлик белгиси дисфемизмларда йўқ. Сленгнинг дисфемизмдан кенглиги фақат шу билан, яъни троп ҳолида ифода бериш билан чегараланмайди, лексик бирлик, фразеологизм доирасида ҳам кенг тарқалган[4,90].

Шу боисдан ҳам сленгларни ўрганиш кўпчилик тилшуносларни қизиқтириб келган. И.В.Арнольднинг қайд этишича[5,269], сленгизмлар ҳақида мақола ва илмий ишлар[6], луғат[7] ва ҳатто уни ўрганиш юзасидан ёзилган адабиётлар библиографияси[8,1] нинг мавжудлиги алоҳида эътиборга молик.

Сленг учун сўзларнинг ҳосила маъно бериши катта аҳамият касб этади. Сленг доирасининг каттагина қисмини дисфемизм таркиб топтиради.

Баъзи инглиз тилшунослари сленг адабий тилни бузади ва булғайди, деб унга карши кескин кураш олиб бориш тарафдори[5,266]. Бу даъво асосли эмас. Тилдаги ҳар бир ходиса ва ҳар бир факт умумтил қонуниятидан ташқарида яралмайди ва бўлмайди. У тил қонуниятларининг маълум босқичларида яралаётган экан, унга карши кураш эълон қилишнинг ўзиёқ беҳуда бўлиб, тил табиати қонунларига мутлақо зид қарашдир.

Манбаларда сленглар қамровига кўра денгизчилар, солдатлар, спортсменлар, актерлар, ҳуқуқшунослар, студентлар ва бошқа сленг турларини ўз ичига олади[5,267]. Улар ҳар бир соҳанинг ўзига хос арголаридир. Лекин арголар дисфемизмга алоқадор эмас. Арголар дисфемизмлардан муайян асосларга кўра фарқланиши адабиётларда қайд этилган[3].

Арго ва жаргонлар француз тилидан, сленг термини эса инглизча slang сўзидан келиб чиққан. Бу уч термин кўпинча синонимлар сифатида қўлланилади. Жаргон бирор ижтимоий гуруҳ вакилларининг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида ўзича мазмун бериб ишлатиладиган сўз ва иборалар бўлса, арго жаргондан фарқли ўлароқ, бирон ижтимоий гуруҳ томонидан бошқалар учун атайин тушунарсиз қилиб қўлланиладиган у ёки бу даражадаги ясама,

яширин тил саналади. Улар кўпроқ жамиятнинг қуйи табақаси ҳисобланган жиноятчилар, ўғрилар, гиёҳвандлар нутқида учрайди.

Сленг эса муайян касб эгалари ёки ижтимоий гуруҳларнинг оғзаки нутқида қўлланиладиган, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўз ёки иборалардир. Сленглар кўпроқ ёшларнинг нутқида учрайди[9,366].

И.В.Арнольд айримлар неологизмларни сленг сифатида баҳолайди. Маълумки, неологизмлар сленг ҳам, дисфемизм ҳам бўла олмайдир. Чунки дисфемизм ва сленг учун референтга субъектив муносабатни қўшиб ифодалаш шарт. Неологизмда эса бундай шарт йўқ.

Бугунги кунда сленглар тадқиқи тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан саналади. Бу соҳада ҳар бир тилшунос ўзининг муайян қарашларига эга бўлиб, бу борадаги баҳс ва мунозаралар натижасида бир қатор зиддиятли фикрлар ҳам келиб чиқмоқда.

Шундай экан, “Сленг ўзи нима?” деган савол туғилиши табиий. Дунё тиллари лексикасида тушунилиши мураккаб, яъни ҳаммабоп бўлмаган сўзлар ҳам мавжуд. Бир қарашда, улар ўз маъносига эгадек туюлади, лекин улар ҳамма учун ҳам бирдек тушунарли эмас.

Бу терминга тилшунослар томонидан турлича таъриф берилган. Тил экспертлари сленгларни бошқа сўзлардан, яъни диалектлар, сўзлашув нутқи, оммалашган иборалар, ишоралар ёки жаргонлардан фарқлашган. Чунки сленглар бошқа сўзлардан фарқли ўлароқ, маънони осонгина (ихчам) англашиши мумкин.

“Wonderopolis” (Wonder of the Day)да келтирилган маълумотларга кўра, *сленг* атамаси даставвал Шимолий Америкада диалект сўз сифатида пайдо бўлган ва маълум вақт улар муайян ҳудудларда маҳсулот сотувчи ва маҳсулотларини реклама қилувчи шахслар томонидан қўлланган. Секин-аста сленглар савдогарларнинг ўз маҳсулотларини сотишдаги «реклама» учун энг ажойиб, ноадабий социолектларга айлана борган[10].

Тилшунос И.Р.Галперин эса сленг терминининг пайдо бўлишини кўпроқ Ғарбий Америка лингвистик анъаналарига кўра тавсифлайди[11].

Маълумки, тилда янги пайдо бўлган сленглар жуда ҳам тез оммалашади. Улар мавжуд сўзларнинг ўрнига янги маъно берувчи сўзлар сифатида ёки сўзларни қисқартириш формасида пайдо бўла бошлади. Хўш бунча кўп сленглар манбаи нимада? Тил тўхтовсиз

ТИЛШУНОСЛИК

тараққиётда. Инсонлар ўзларининг фикрлари ва муносабатларини ифодалаш учун янгича ижодий йўлларни излашади ва бунинг натижасида эски сўз ҳамда ифодалар ўрнига янги сўзлар пайдо бўла бошлайди.

Таниқли тилшунос И.Р.Галперин ўзининг 1971 йилда ёзган «Stylistics» номли китобида кўпгина тилшунослар «сленг» тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганликларини, лекин унинг моҳиятини тўлақонли ёритиб беролмаганликларини таъкидлайди. У ва бошқа тилшунос олимларнинг таажжублантирган нарса бирон-бир Европа тилларида махсус «сленг» деб аталмиш қатлам мавжуд бўлмаганлиги, бироқ уларнинг ҳаммаси жаргон, кант ва шу каби сўзлар доирасида ўрганилганлигини айтади. И.Р.Галперин *нега жаргон ва кант каби аниқ бўлмаган нарса учун махсус термин яратиб зарур бўлиб қолди; бу ҳодиса фақат инглиз тилигагина хосми; ноадабий сўзларда мавжуд бўлмаган бирор махсус хусусият сленгларда мавжудми* каби саволлар устида изланади ва маълум хулосага келади.

И.Р.Галперин «сленглар ва ноанъанавий сўзлар ўртасидаги фарқ сезиларли эмас, бироқ уларни тушуниш бироз мураккаб», деб эътироф этар экан, ўзининг «О термине сленг» номли бир илмий мақоласида сленг тушунчаси ноаниқлигини таъкидлар экан, тилда унинг мавжудлигини бутунлай инкор қилади. Тилшунос ўз фикрларини инглиз лексикограф-олимларининг тадқиқот хулосаларига, яъни ҳар бир сўз (термин, луғат, лексема) ўзининг турли лингвистик интерпретациясига эга бўлиши керак деган хулосаларига таянган ҳолда сленгларни мустақил маъноли сўзлар гуруҳига киритмайди, уларни жаргон терминига синоним тарикасида қўллашни тавсия этади[12,96].

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга қарамай, бошқа бир гуруҳ тилшунослар сленгларни алоҳида ижтимоий диалект сифатида мавжудлигини тан олишса-да, яна бир гуруҳлари эса уларни «алоҳида» (хусусий) қўлланиш контекстига тааллуқли деб билишади. Жумладан, А.В.Овчинникова ўз мақоласида норвег тилидан олинган **сленг** атамаси «slengematn», яъни «кличка» (лақаб) маъноларини ифодалашини тахмин қилади. Сленгларни биринчи бўлиб инглиз тилида 18 аснинг ўрталарида (1756 йилларда) ўғри ва фирибгарларлар луғатида ишлатилганлигини баён қилади. Сўзлашув тилида эса замонавий иборалар билан сленглар 1818 йилларда

намоён бўла бошлаганлигини таъкидлайди[13,59].

Замонавий инглиз тилининг катта Оксфорд луғати, яъни “Оксфордский тольковый словарь” изоҳли луғатида **сленг** қуйидагича таърифланган: “Алоҳида гуруҳ (болалар, жиноятчилар, ҳарбийлар ва бошқ.) вакиллари томонидан оғзаки нутқда кенг миқёсда ишлатиладиган алоҳида норасмий сўз ва иборалар” дир[14].

Яна бир тилшунос В.В.Химиковнинг фикрига кўра, сленглар амалий очиқ система остидаги нормативсиз лексик-фразеологик содда сўзлашув тил бирлиги бўлиб, унинг стилистик кўриниши ёки алоҳида хусусияти фақатгина экспрессивликни (салбий маънолардаги) кучайтиришда кўзга ташланади ва бу тилнинг фойдаланувчилари юқори табақага нисбатан қўйи табақадаги инсонлар, кексаларга нисбатан ёшлар, ва шу билан бирга, бегонага нисбатан ижтимоий яқинликка эга бўлганлар (ўзимизники – своих) учун мансублигини таъкидлаб ўтади.[15]

Инглиз тилшуноси Марриям Вебстер сленгларни мулоқот воситаси эканлигини, улар энг норасмий ва ностандарт луғатлар сирасига киришини таъкидлаб, сленгларни ижтимоий сигналлар воситаси сифатида хизмат қилишини қайд этади. У ўзининг “New World Dictionary of the American Language” номли китобида **сленг** терминини қуйидагича изоҳлайди: аслида, криминаллар, дайдиларнинг махсус луғати ва оғзаки сўзлашув услубларидаги иборалар бўлиб, бу сўзларнинг фойдаланилишидан мақсад ўзгалардан фикрларини ниқоблаш (ҳозир улар инглиз тилида «cant» (кант) деб аталади); махсус (ихтисослаштирилган) луғат ва иборалар бир хил иш(соҳа) ва бир хил ҳаёт йўлидаги инсонлар учун (ҳозирда улар одатда «аргот» деб аталади); сўзлашув тили қайсики нутқда қўлланиладиган стандарт ва одатий тилдан ташқари икки хил: янги ва кенгайтирилган маъноларни англатади. Улар янги, кучли, ўткир ёки ҳажвий ибораларни излаб топиш, фойдаланмай қолган сўзлар базасидан ёки расмий статусга эга бўлган сўзлардан ривожланади[12,96].

“The New Oxford English Dictionary” китобида эса сленглар қуйидагича таърифланади: махсус луғат қайсики қўйи табақа ёки репутациясиз (иснодга қолдирувчи) шахслар томонидан фойдаланиладиган, яъни «қўпол» сўзлар (1); муайян бир табақа (синф) ёки даврга мансуб кант ёки жаргон (2); стандарт адабий тилга тааллуқли бўлмаган,